

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 7-sentabr, shanba № 69 (15707)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Navqiron avlod so'zi

### Хизматингга шайман, жонажон Ватан!

Инсон қачон бахтли бўлади? Қачонки, кўнгли хотиржам бўлса. Қачон кўнгли хотиржам бўлади? Қачонки, инсон ўз бахти, қадр-қиммати ва ифтихорини Ватани тараққиёти, келажаги билан боғласа, унга дахлдорлик ҳиссини юрагидан ўтказиб яшаса.

Мен Ўзбекистоннинг кўплаб бахтиёр ёшлари сингари бахтим, қадр-қимматим ва ифтихоримни Ватаним билан рағбатланганман.

Бу йил йигирма беш ёшга кирдим. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига эса 22 йил тўлди. Шу ёшга кириб, мен ўзимни ҳали бирор ишни амалга оширдим, деб ҳисобламайман. Бироқ мустақил бўлганига эндигина 22 йил тўлган Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ислохотлар, улар асосида қилинаётган улкан ишлар, бунёдкорликлар халқимиз тарихида фахр билан эътироф этиладиган янги саҳифани очгани шубҳасиз.

Ватанимиз мустақилликка эришган кезларда ўз истиқлолини қўлга киритган қўшни давлатларнинг тараққиёт йўлига назар солсак, Ўзбекистонимиз ҳар жаҳада юқори суръатлар билан ривожланаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Айрим мамлакатларда нотинчлик, таҳликали ва суронли воқеалар юз бериб турган бир пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, аҳил-иноқлик муҳити, халқимиз кечираётган обод ва фаровон турмуш замирида, шубҳасиз, Яратганнинг бизга улкан инояти, Президентимиз олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсат, юксак самарали саъй-ҳаракатлар мужассамдир.



Юртбошимизнинг келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонда ўз ўрнини эгаллаши лозим, деган фикрларини такрор-такрор мушоҳада қиламан, ҳаётим ва келажагим учун ҳар томонлама фойдали хулосалар чиқараман.

Улуғ бобокалонимиз Маҳмуд Замахшарийнинг: «Ҳаракат заиф бўлган жойда кучли билим фойдасиздир, ҳаракатсиз билим ипсиз камон ўқидир», деган фикри мени билишга ва билганларимни ҳаётга татбиқ этишга ундайди. Ишонаман, бугун дунё ёшлари ҳам ҳаракатда, аммо уларнинг ҳаммасида ҳам биздагидек имконият ва шароитлар мавжуд эмас.

Юртимизда биз, ёшларга яратилган улкан имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2012 йилда Андижон давлат университети педагогика факультети педагогика ва психология йўналишининг 4-курсини имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу йили мазкур университетнинг магистратура бўлими психология мутахассислигига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиндим.

(Давоми 2-бетда)

### Иқтидорли ёшлар – мамлакат келажаги



5-бетга қаранг

Harakat ko'zgusi

## Болаликнинг беғубор тасаввури

Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйида «Оила – мўъжаз Ватаним!» мавзусида расмлар ва иншолар танлови ўтказилди. Танлов Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзларининг ватан ҳақидаги ўй-фикрларини болаларча самимият, беғубор қалб амри билан иншо ва расмларида атрафлича акс эттирдилар. Иншолар танловида Лайло

Давлатова биринчи, Саидмурод Содиқов иккинчи, Сарвиноз Файзуллаева учинчи ўринни эгаллаган бўлса, расмлар танловида Азиз Тўхтаев биринчи, Екатерина Зегулис иккинчи, Даниэл Серинко учинчи ўринга

муносиб кўрилди. Фолиблар ҳамкорларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнггида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошидаги «Ёш лидерлар» маркази ўқувчилари тайёрлаган байрам дастури болаларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Дилкушо НАВРЎЗОВА, «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши фаоли



# Хизматингга шайман, жонажон Ватан!

(Давоми,  
боши 1-бетда)

2012 йили «Маҳаллада ўсмир ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш» номли лойиҳамнинг «Ўзини ўзи бошқариш органлари қошида раҳбарликка тайёрлов секторларини жорий қилиш» мавзусидаги 2-босқичини ишлаб чиқдим. Ушбу лойиҳам билан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ташкил этилган «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасидаги «Агар мен депутат бўлсам» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, 2-даражали диплом билан тақдирландим ва Халқ депутатлари

Анджон вилояти кенгаши депутатлигига номзодлар захирасидан ўрин олдим.

2013 йили «Келажак овози» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг вилоят босқичида «Ўзини ўзи бошқариш органлари қошида раҳбарликка тайёрлов секторларини жорий қилиш» мавзусидаги лойиҳам билан иштирок этиб, 1-ўринни эгалладим.

Айни пайтда мазкур лойиҳа дастури асосида Анджон шаҳридаги йигирмадан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларига «Маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфида бизнес секторлар жорий қилиш» мавзусида семинар-тренинглари ўтқазилди.

Лойиҳам тўлиқ амалга ошса, унинг натижасига кўра ҳар бир маҳалла маълум бир турдаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашади, маҳаллалар ўз захира жамғармаларига эга бўлади. Ундан ана шундай мақсадлар кўзда тутилган. Зарур пайтда захира жамғармалари маҳаллада юзага келиши мумкин бўлган моддий муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳаётимдаги ҳеч унутилмас, шарафли ва қувончли воқеалардан бири 2010 йил 25 январда Юртбошимизга йўллаган мактубим «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилдидан жой олганидир. Бу воқеа нафақат мени, бал-

ки бутун оила аъзоларим, яқинларим ва устозларимни чексиз қувонтирди. Шунинг баробарида зиммамга шарафли масъулият юклади.

Бугун мен ва мен каби миллионлаб тенгдошларимнинг оддий ғоялари лойиҳаларга айланиб, республикамиз миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори даражада баҳоланаётгани, амалиётга татбиқ этилаётгани, муносиб рағбатини топаётгани давлатимизнинг биз, ёшларга юксак ғамхўрлиги, эътиборининг ёрқин исботидир.

Юртбошимизнинг мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан йўллаган табригида биз, ёшларга

қарата: «Биз ўз олдимизга қўйган келажак буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайди-ган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонман», деган сўзлари бизни янги-янги бунёдкор ғояларга, эзгу ишларга илҳомлантиради, бизга шижоат бағишлайди. Келгусида ҳаётимизда бу сўзлардан маънавий куч олиб, юксак марраларни дадил забт этишга руҳлантиради.

**О.МУХТОРОВ,**  
Анджон давлат университети магистранти.  
Анджон шаҳар Шимолий кичик даҳа 28-«Г» уй 21-хонадон



«Kelajak ovozi — 2013»

Самарқанд шаҳрида «Келажак овози — 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

## Иқтидорли ёшлар тақдирланди

Тадбирда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши, замонавий таълим-тарбия олиши ва касб-хунар эгаллаши учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилаётгани таъкидланди. Бунинг самарасида йигит-қизларимиз таълим, фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўз иқтидорини намойиш этиб, юқори натижаларга эришмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови ҳам истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларнинг ижодий ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда ҳам вилоятда мазкур танлов юқори са-

вияда ташкил этилиб, унда 6500 нафардан зиёд йигит-қиз қатнашди. Танловнинг саралаш босқичларида архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, бадий ижод ва публицистика йўналишларида ғолиб бўлган минг нафарга яқин ёшлар вилоят босқичида яна бир бор синовдан ўтди. Улар орасидан 45 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Танловда картошқачиликни жадал ривожлантириш усулларида фойдаланган ҳолда, ресурс тежайдиган технологиялар ишлаб чиқиш лойиҳаси билан қатнашдим, — дейди ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар йўналиши бўйича ғолиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультети талабаси Анвар Шамсиев. — Бу лойиҳа мам-

лакатимизда юқори сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тупроқ унумдорлигини ошириш каби мақсадларни кўзда тутди. Бу борада институти-миз ёрдамчи хўжалигида тажриба ўтказиб, дастлабки натижаларга эришганмиз. Мазкур усул сабзавот маҳсулотлари етиштиришда жуда қўл келади.

Тадбир доирасида ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳридаги ўттизга яқин корхона ва ташкилот уч юздан ортиқ бўш ва квота иш ўринларини таклиф этди. Вилоятдаги олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 160 нафарга яқини шу ернинг ўзида корхоналар билан шартнома тузиб, ишга йўланма олди.

**Ф.ҲАСАНОВ,**  
ЎЗА мухбири.  
Алишер ИСРОИЛОВ  
(ЎЗА) олган сурат

## Қувноқ марралар

Жиззах вилоятида «Kamolot»-tur VI ёшлар веломарафонининг вилоят босқичи ўтказилди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида марафон ташкиллаштирилди.

«Kamolot»-tur веломарафони ёшлар орасида кенг оммалашган ва улар томонидан интиқлик билан кутиб олинган мега лойиҳа ҳисобланиб, тенгдошларимизни спортга, хусусан, велоспортга қизиқишини ошириш, уларни жисмонан соғлом, руҳан тетик қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур веломарафоннинг вилоят босқичи Жиззах — Самарқанд автомобиль йўлида, Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдонига қадар бўлган 20 километрлик масофада ташкил этилди. Марафонда 450 нафарга яқин ҳаваскор спортчи иштирок этди. Уларни икки минг нафардан ортиқ умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, маҳаллаларда яшовчи тенгдошларимиз олқишлаб турди. Бу вилоят ёшлари ўртасида велоспортга қизиқиш ошиб

бораётганидан дарак берди.

Веломарафон ғолиблари тўққиз-ўн тўрт, ўн беш-ўн етти, ўн саккиз-ўттиз ёш тоифаларида аниқланди. Ҳожиакбар Пўлатов, Темур Қудратов, Сардор Пўлатов 20 километрлик масофада; Мухтор Саидов, Шоҳрух Пўлатов, Бахтиёр Шодмонов 15 километрлик масофада; Хусан Ҳотамов, Лазиз Мамаиқов, Шаҳбоз Аллаёров 10 километрлик масофада ғолиб бўлиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, йигирма нафар фаол иштирокчи «Энг ёш пойгачи», «Фахрий велопойгачи», «Энг маҳоратли техник велопойгачи», «Энг иродали велопойгачи», «Энг маҳоратли велопойгачи қиз» ва «Велопойгачилар оиласи» номинациялари бўйича рағбатлантирилди.

Мусобақанинг вилоят босқичида уч ёш тоифаси бўйича 1-ўринни эгаллаган ҳаваскор велоспортчилар марафоннинг республика босқичида қатнашади.

**Самад ХУДОЙБЕРДИЕВ.**  
Иноятullo ОТАМУРОДОВ.



# Мунаввар — жонкуяр етакчи

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-умумтаълим мактабининг иккита ўқувчиси аксарият вақтини интернет-кафеда ўтказар, бу эса уларнинг давомати, фанларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди. Устига-устак, улар жанжалкашлик билан ҳам ном чиқарган эди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мактабдаги бошланғич ташкилоти фаоллари кўмагида уларнинг оилавий шароити, қизиқиши, ўз олди-га қўйган мақсадлари ўрганилди. Ота-онаси, яқинлари билан суҳбатлашилди. Хуқуқбузарлик кўчасига киришга мойил бу ўсмирлар ўқув маскани қошида ташкил этилган фан ва спорт тўғрисида жалб этилди. Натижада уларнинг ўқишга иштиёқи, фаоллиги, масъулияти ошди. Сўнг улар маҳалладаги профилактика нозирининг «тарбияси оғир болалар ҳисобидан» чиқарилди.

Бу каби долзарб масалалар ечими «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти етакчиси Мунаввар Фаниева сингари ёшларнинг фидойилиги ва жонкуярлиги боис, ўзининг ижобий ечимини топмоқда.

Жорий йилнинг август ойида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида Бўстонлик туманидаги оромгоҳда «Камолот»нинг умумтаълим муассасалари бошланғич тузилмалари етакчиларининг республика форуми бўлиб ўтди. Форум доирасидаги «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг мамлакат босқичида Мунаввар Фаниева учинчи ўринни эгаллади.

М.Фаниева 2010 йили пойтахтимиздаги 1-Республика педагогика коллежини тамомлаб, 127-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси бўлиб иш бошлаган. Мактаб ўқувчилари ҳамда ўттиз ёшгача бўлган ёш педагогларни ўз сафига бирлаштирган бошланғич ташкилотга етакчилик қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Мунаввар ҳар бир синфни алоҳида ўрганиб, тартиб-интизомга риоя этишда ўқувчиларнинг масъулиятини оширишга доир режаларни белгилаб олди.

Дастлаб мактабда тикиш, тўқиш тўғрисидаги ташкил этилиб, унга олтинчи нафардан зиёд қиз жалб қилинди. Тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар кўмагида мактаб қошидаги фан, спорт-соғломлаштириш тўғрисидаги жонлангирилиб, аксарият ўқувчилар иштирокини таъминлашга эришилди. Бошқаларнинг хоҳиш-истагига қараб, тумандаги «Баркамол авлод» болалар маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактабига мунтазам қатнаши йўлга қўйилди.

— Мактабимизда 1,2 минг нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олади, — дейди ушбу билим маскани директори Рафиқа Азизова. — Мунаввар шу мактабда таҳсил олди. Педагогик жамоанинг аҳиллиги, мактабдаги ибратли маънавий-маърифий муҳит ишни кўнгилдагидек олиб боришда муҳим аҳамиятга эга. Бу ишлар ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, орзу-интилиши ва



қизиқишини тўғри шакллантиришда ижобий кўрсаткичларга эришишда яққол сезилмоқда.

«Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилобар Шоқодированинг айтишича, маҳалла билан 127-умумтаълим мактаби ўртасида ўзвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мактаб етакчиси маҳалладаги «Ораста қизлар» тўғрисида машғулотларини олиб бориш, 9-синф ўқувчиларининг қизиқишини ўрганиш, уларни касбга йўналтиришда яқин кўмакчидир.

Мактаб ўқувчилари томонидан маҳалладаги ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиш, рўзгор юмушларида кўмаклашиш, ҳовли-жойларини саранжом-саришталаб, тартибга келтириш, ҳашарлар, тозалик кунларини ўтказиш — доимий эътиборда. Айни пайтда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун мунтазам маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, уларнинг орзу-интилишларини ўрганишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Болалар билан ишлаш — мураккаб жараён, — дейди М.Фаниева. — Ҳар бирининг ўзига яраша феъл-атвори, дунёқараши бор. Болалар қалбига йўл топа билиш, ишни тўғри ташкил этишда шу йил ёзда Бўстонлик туманида ўтказилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таълим масканларидаги бошланғич ташкилотлари форумида олган билимларим ва орттирган тажрибам жуда асқотмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.**

СУРАТДА: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти етакчиси Мунаввар Фаниева.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бугун юрти-миздаги барча иқтидорли ва изланувчан ёшларнинг бир гоя атрофида бирлашиб, эзгу мақсад сари интилишида муносиб кўмакдош бўлаётир.

## Ташаббускор етакчи

Ҳаракат томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивал ва беллашувлар, турли кўрик-танловлар минглаб иқтидорли ёшларни кашф этмоқда. Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган республика форумида истеъдодли етакчилар учун махсус ўқув-семинарлари ташкил этилиб, уларнинг бой тажрибаси оммалаштирилди. Тадбир доирасида Ҳаракатнинг умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилот етакчилари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ҳам ўтказилиб, унда қуйи босқичларда саралаб олинган 140 нафар иштирокчи ўзaro беллашди.

Навоий шаҳридаги 16-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти етакчиси Баҳодир Жўраев мазкур номинация ғолиблигини қўлга киритди. Кўрик-танловда «Дарахт эккан киши минг йил яшайди» лойиҳаси бўйича муваффақиятга эришди.

— Форум доирасида ташкил этилган кўрик-танлов барча етакчи ва фаолларнинг ўзaro тажриба алмашиши, янги лойиҳалар, гоялар хусусида фикрлашиб олишида муҳим аҳамият касб этди, — дейди Баҳодир Жўраев. — Учрашув ва турли тадбирлар давомида янгидан янги таклифлар муҳокама этилди.

Б.Жўраев 2009 йилдан бери мактаб бошланғич ташкилоти етакчиси вазифасида ишлаб, ёшларни ташаббускор ва фаол, эзгу мақсад сари интилувчан инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Айни пайтда мактабда ўқувчиларга «Миллий истиқлол гояси ва маънавий асослари» фанидан сабоқ

беради. Тиришқоқ ва талабчан устоз доим ўқувчилар қуршовида.

Мактаб жамоаси ва оналар ўртасида ҳурмат қозонган ёш ўқитувчи ёшларнинг табиатга бўлган қизиқиши ва меҳрини ошириш, атроф-муҳитни асрашдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириш борасида салмоқли натижаларга эришди.

Унинг ташаббуси ва етакчилигида мактабда «Энг намунали боғ», «Энг чиройли боғ» танловлари ўтказилди. Бу ўқувчиларда меҳнатсеварлик ва табиатга меҳр туйғуларини ўстиришга катта ёрдам берди. Натижада таълим муассасаси атрофида унинг ташаббуси билан 2012 йили 3 сотих майдонда «Камолот» боғи ташкил этилиб, қарийб 70 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Айни пайтда ушбу мўъжазгина боғнинг боғбонлари ўқувчиларнинг ўзидир.

Ташаббускор етакчи аксарият вақтини ёшлар орасида ўтказди. Мактаб миқёсида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, турли спорт мусобақалари ташкил этиш таклифини ёшлар билан муҳокама қилади. Миллий қадрият ва анъаналаримизни кенг тарғиб этиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган «Миллий ўйинлар», «Варрақлар сайли», «Миллий қўшиқлар» сингари фестивал ва беллашувлар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган. Бунинг натижасида бугунги кунда мактабнинг аксарият ўқувчиси, албатта, ўзи қизиққан қайсидир тўғрак аъзоси. Ҳар чоршанба куни ташкил этиладиган махсус амалий дарслар эса ўқувчиларда етакчилик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

**Н.РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири**

## Янги ўқув йилининг муҳим янгиликлари

Kun mavzusi

Мактаб ўқувчилари учун китобларнинг ижара ҳақи қанча? Янги ўқув йилида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун неча номда дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилди?

Ўқувчию ота-оналар, ўқитувчиларга ҳам қизиқарли бўлган бу каби саволларга Ўзбекистон миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлигининг «Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш масалалари, дарс жараёнига ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида белгиланган устувор йўналишлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида жавоб берилди.

2013-2014 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-синф ўқувчиларига 392 номда 22 533 772 нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, етакчи берилди. Дарсликларнинг электрон шакли вазирлиқнинг www.uzedu.uz сайтига жойлаштирилди. Президентимизнинг қарорига асосан, жорий ўқув

йилидан бошлаб 1-синфдан инглиз тили дарси ўтилади. Шу сабаб, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун тайёрланган «Kids' English» инглиз тили дарслик мажмуасига қўшимча равишда ўқитувчилар ва ота-оналар учун ўзбек тилида 446084 нусха, рус тилида 59 974 нусха қўлланма нашр этилди.

Вазирлик томонидан ўқитувчиларнинг ўз устида ишлари, машғулотларга пухта тайёргарлик кўриб, сифатли дарсларни ўтишларига ундайдиган «Дарс — муқаддас», «Урган — ўргат», «Мураккаб фан — ўрганаман», «Соғлом муҳит — соғлом жамоа» ва бошқа тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда. 2012-2013 ўқув йили

яқунида республика бўйича тўққизта ўқув фанидан ўтказилган таълим сифати мониторинги натижаларига кўра, ўзлаштиришнинг умумий самарадорлиги бўйича Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган.

Умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, юқори самарали мультимедиа воситалари ҳамда ўқув адабиётлари ва қўлланмаларнинг электрон шакллари яратилган йўлга қўйилди. Бугун вазирлик тизими учун юздан ортиқ электрон ахборот-таълим ресурслари яра-

тилиб, www.uzedu.uz сайтига жойлаштирилди.

Вазирлик ҳузурда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Марказ базасида замонавий сервер майдончаси ташкил этилиб, ахборотларни жойларга етакчи вазирлиқнинг www.uzedu.uz веб-портали орқали амалга оширилмоқда.

Анжуманда янги ўқув йили билан боғлиқ барча йўналишлар бўйича вазирлик ходимлари маъруза қилишди. Журналистлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири**



# Коллеж битирувчиси иш бошлади

Навоий шахридаги «Элмурод Ўлмас» ишлаб чиқариш савдо корхонаси сунъий толадан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳали ташкил этилганига бир йил тўлмасданок ушбу хусусий корхонанинг маҳсулотлари ўз харидорларини топиб улгурди.

Кунига 550-600 килограмм нитрон калава ип ишлаб чиқараётган корхонада эртаю-кеч иш қизгин. Бу ерда замонавий бўйлаш дастгоҳининг ишга туширилиши натижасида буюртмачилар талабига биноан йигирма рангдаги калава ип маҳсулотлари тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. Ўн бир нафар ишчи-ходимдан иборат меҳнат жамоасида замонавий билимларга эга ёшлар меҳнат қилишади. Кармана саноат ва меҳмонхона хўжалиги касб-

хунар коллежини битириб келган ёшлар қисқа фурсатда йигирув дастгоҳлари билан ишлаш кўникмаларини ўзлаштириб олишди. Коллежда олинган назарий билимлар амалиётда жуда кўл келмоқда.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун яратилган имкониятлар биз каби ўз бизнесини юритмоқчи бўлганларга айтилган муддао бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Валентина Жукова. — «Саноат-қурилиш банк»-

дан 150 миллион сўм сармоя олиб, зарур жиҳозларни харид қилдик. Хомашёнинг «Навоий-азот» очиқ акциядорлик жамияти томонидан етказиб берилаётгани корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг арзонлашувига сабаб бўлди. Жорий йилнинг ўзида 600 тонна маҳсулот доимий харидорларга етказиб берилди.

— Корхонамизда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилиши, дам олиши учун барча шароитлар



яратилган, — дейди ип йигириш цехи ишчиси Гули Камолова. — Айниқса, биз, ёшларнинг тажрибамизни ошириш, амалий кўникмаларимизни мустақамлаш учун устоз-шогирд аъёнлари жорий этилган. Кармана саноат ва меҳмон-

хона хўжалиги касб-хунар коллежини тугатиб бу ерга ишга келдим. Пишиқ, пухта, кўркама ва ранго-ранг калава иплар ишлаб чиқаришда, юртимиз иқтисодийётини юқори даражага кўтаришда ўз ўрнимиз борлигидан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, кичкина корхонанинг катта ишларини, катта режаларини кўриб, меҳнат, шижоат, интилиш бор жойда ишда унум, фаровонлик бўлишига амин бўлдик.

**Азимжон ХУШВАҚТОВ,**  
Навоий вилояти

## Тенглар ичра тенгмиз бугун

Олимларнинг айтишича, дунёда тўрт мингдан зиёд миллат ва элат истиқомат қилади. Жаҳон сиёсий харитасига назар солсак, икки юздан зиёдроқ мамлакатга кўзимиз тушади. Демак, мустақиллик ҳамма халқларга ҳам насиб этавермайдиган улуг неъмат экан-да.

Бугун теварак-атрофга теран назар солсак, курраи заманимизда асрлар оша мустақилликни орзу қилган, бироқ кўплаб омиллар таъсири ўларок, ҳамон ундан бебахра қолган миллатлар бисёр. Ҳанузгача ўз манфаатларига монанд тараққиёт йўлини танлаш, турмушини ўзи истаган тарзда ташкил қилиш, қолаверса, давлат тилида чоп этилган китоб ва газеталарни ўқиш, болаларига миллий эртақлар айтиб бериш орзусида юрган халқлар мавжуд.

Шукрки, биз шу неъматдан баҳра олиб, ўз тараққиёт йўлимизни ўзимиз белгилаш, дўстни ҳам, ҳамкорни ҳам эркин танлаш имконига эгамиз, инон-ихтиёримиз ўзимизда. Истиқлол йилларида халқимиз ҳаёти, тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгариб, эртанги кунга, юртимиз келажагига ишончи мустаҳкам қарор топди. Бундан йигирма беш-ўттиз йил илгари фарзанди уёқда турсин, ўзининг эртанги кунига шубҳа билан қараган юртдошларимиз бугун набираларининг истиқболига катта умид, ишонч билан қараяпти. Уларнинг келажигидан кўнгли тўқ. Демак, истиқ-

лол берган энг катта ютуқлардан бири халқимизнинг ўзига, келажагига, бугунгидан-да нурафшон эртасига ишончидир.

Мустақиллик йилларидаги энг катта муваффақиятимиз Ўзбекистонни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқадиган, чуқур ўйланган стратегия ишлаб чиқилгани ва амалга оширилгани билан боғлиқ. «Ижтимоий тараққиётнинг ўзбек модели» номини олган бу стратегия мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар самарадорлигига мустаҳкам замин яратди. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиб бораётгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Интернет сайтларида «ўзбек модели»га бағишланган бир миллиондан ортиқ материал борлиги ҳам юртимиз ўз тараққиёт йўлидан огишмай, дадил одимлаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳаётнинг барча соҳаларида кенг кўламли, узоқ йиллик мақсадлар кўзланган самарали ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, иқтисодий соҳада янгича бозор муносабатлари жорий қилинди, кўп ук-

ладли иқтисодий асослари шакллантирилди. Сиёсий соҳада ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил қадамлар қўйилиб, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизим фаолият кўрсата бошлади. Ижтимоий соҳада инсон манфаатлари устувор вазифа этиб белгиланди, барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланди. Маънавият соҳасида миллий кадриятларимиз урф-одат, аъёнларимиз тикланди. Шуларнинг ўзиёқ халқимиз 22 йиллик қисқа муддат ичида мустақиллик инъом этган имкониятлардан нечоғли баҳраманд бўлганидан далолат беради.

Маданий мерос ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг ўтмишини келажак билан боғлайдиган, уларни яхлит жараён сифатида намоён қиладиган муҳим омилдир. У халқнинг, миллатнинг ўзига хос миллий хусусиятларини билиб олиш учун йирик манба вазифасини бажаради. Шу маънода, аллома боболаримизнинг бой маданий меросини тиклаш, уларни халқимиз, хусусан, ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбида «Мен буюк аجدлар авлодиман», деган илм-фан ютуқларини дадил эгаллашга ундайдиган ифтихор уйғотишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йилларда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар бугун ёшларимизнинг турли халқаро фан олимпиадалари ва спорт

Istiqloq — ulug' ne'mat

ареналаридаги оламшумул ютуқлари тимсолида бор бўй-бастини намоён этмоқда.

Ёшларда аждодларимиздан қолган бой маданий меросга муҳаббат, хусусан, миллий урф-одатларимиз, кадриятларимизга садоқат, тарихий архитектура ёдгорликлари, обидаларга ҳурмат туйғусини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар бугун ўз самарасини беряпти.

Ўтган кунларимизни бугунимизга таққослаганда ёки дунёдаги айрим нотинч, турфа офатлару йўқсилликдан азият чекаётган халқлар ҳаёти билан солиштирганимизда кўнглимиздан чексиз шукрона ўтади, тинч-осуда, тўқин кунларимиздан миннатдор бўлиб, юрагимиз Ватан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳисси билан лиммо-лим тўлади.

Илгари Ўзбекистонни харитадан топиб беролмайдиган чет элликлар бугун юртимиз номини эшитганда, кўз олдида пурвиқор тарихий ва замонавий бинолар, манаман деган хорижий автомобиль фирмалари маҳсулотидан сира қолиш-майди деган кўша-қўша машиналар, асосийси, мағрур, интеллектуал юксак, жисмонан ва маънан баркамол ўзбек йигит-қизлари гавдаланиши табиий. Бу барчаси, шубҳасиз, истиқлол берган улкан имкониятлар самарасидир.

**Тоҳир ҚУРБОНОВ,**  
ТАТУ Қарши филиали  
ўқитувчиси,  
фалсафа фанлари  
номзоди, доцент

Sarhisob

Фарғона давлат университетида факультетлар фаолиятини комплекс ўрганиш, янги ўқув йилига муносиб тайёргарлик кўриш, барча соҳаларда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, баҳолаш, навбатдаги вазифаларни белгилаш мақсадида «Энг аҳил жамоа» кўрик-танлови ўтказиб келинади.

### Энг аҳил жамоа

Танлов доирасида профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва талабалар ўртасида меҳр-оқибат, устоз-шогирдлик аъёнларини янада кучайтириш, талабаларнинг бўш вақтини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Тўққиз йилдан буён аъёнавий тарзда ўтказиб келинаётган бу танлов ҳар бир факультет, кафедранинг ҳар бир аъзосидан фаоллик талаб этади. Ёзи таътил давомида амалга оширилган барча йўналишдаги ишлар, танлов мезонларига кўра, балл асосида баҳоланади.

— «Энг аҳил жамоа» кўрик-танлови бизнинг ёзда ҳам ўқув жараёнидагидек, керак бўлса, ундан ҳам самаралироқ ишлашимизга асос бўлади, — дейди ўқув ишлари бўйича проректор Қобилжон Ғозиев. — Энг муҳими, университет янги ўқув йилига юқори даражада тайёргарликка эга бўлади.

Барча соҳалар сарҳисобига кўра, табиий-география факультети жамоаси голибликни қўлга киритди. Камчиликлар муҳокама қилиниб, ютуқлар таълимни янада самарали ташкил этиш учун оммалаштирилди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири



# Аниқ фанлар каби аниқ мақсадлар

Вақт ўтиши билан инсониятнинг дунёқараши, ҳаётнинг баъзи жабҳаларига ёндашишда мезонлари ўзгариб бориши мумкин. Бироқ илмга муносабат масаласида ҳаммиса бир хил фикр бўлган. Илм инсонни кўкка етказди, илмсиз тараққиёт бўлмайди, илм — ҳамма нарса: у бойлик, мартаба, шон-шуҳратдир, мазмунидаги сўзлар доимо халқ орасида яшаб келган.

Биз у ҳақда ҳикоя қилмоқчи бўлган таълим даргоҳининг деворлари олтиндан эмас, бошқа, жаҳондаги барча таълим муассасалари сингари оддий иморат. Кўркам, замонавий, барча керакли техник воситалар, жиҳозларга эга, албатта. Аммо, дейлик, ўзини ҳурмат қилган барча ривожланган мамлакатларда шундай бўлиши табиий. Жумладан, юртимизда ҳам барча таълим муассасаларида шундай. Хўш, у ҳолда бу маскан ҳақида алоҳида ҳикоя қилишимизга сабаб бўлган омиллар нима?

Умид қиламизки, ушбу савол мақоламизнинг энг сунгги сўзини ўқиб бўлганингиздан кейин сизда пайдо бўлмайди...

Бухоро томонларга йўлингиз тушса, одамлардан Қоракўлдаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатида бормоқчийдим, десангиз, «Жумаев мактабини айтаясизми (таълим муассасаси раҳбари, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев номига ишора қилишяпти), бугун у академик лицей бўлган-ку», дейишади ва сизга у ерга борадиган йўлни кўрсатишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 21 августдаги қарорига асосан, мактаб-интернат базасида Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицей ташкил этилди. Бугун унда тўртта йўналиш бўйича ўқувчиларга сабоқ берилди.

Ўтган вақт мобайнида мактабдан аниқ фанлар бўйича вилоят, республика, халқаро ва жаҳон олимпиадаларининг кўплаб совриндорлари етишиб чиқди. Ҳозирга қадар уларнинг сони юз нафардан ошган. Мактаб-интернатда таълим олган Миржалол Темиров, Мурод Умаров, Умид Раҳмонов, Тоҳир Мирзаев, Зулфиддин Камолов, Дониёр Нафосов, Жалол Курбонов, Зафар Жумаев, Жаҳонгир Бобоев, Жавлонбек Бозоров, Ҳамроз Чўянов, Аброр Пирнапосов, Фарҳод Саидов каби ўқувчилар турли йилларда Руминия, Словения, Корея Республикаси, АҚШ, Индонезия, Япония, Греция, Буюк Британия, Испания, Германия, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган жаҳон ҳамда халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, республика

ликамик шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Йил сайин нуфузи ортиб бораётган мактаб-интернатга ўқувчилар синов асосида ўқишга қабул қилина бошланди.

Мактаб-интернатни тугатган дастлабки қирқ нафар илк битирувчидан 38 нафари республикадаги турли олий ўқув юртига ўқишга киришга муваффақ бўлгани ҳам катта натижадир. Бундай юқори натижа мазкур академик лицей ўқувчилари томонидан ҳар йили қайд этиб келинапти.

Бугун академик лицей янги, замонавий ўқув биноси, 450 ўринли ўқувчилар тураржойи, 300 нафар ўқувчига мўлжалланган ошхона ва спорт залига эга. Таълим муассасаси худудидаги икки гектардан ортиқ майдонда боғ барпо қилинган. Унда мевали ва манзарали дарахтлар, турли анвойи гуллар барқ уриб турибди.

Сўнгги йилларда академик лицейнинг нуфузи янада ортди. Бу ерда дарс бераётган ўқитувчилар махсус танлов асосида ишга қабул қилинади. Ўқув йили бошланган кундан бошлаб, ҳар ўн беш кунда улар сабоқ бераётган ўқувчиларнинг билим даражаси тест ва ёзма ишлар асосида баҳоланади. Айни пайтда лицейда етмиш нафарга яқин фидойи педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Улардан қирқ нафарга яқини Халқ таълими аълочиси, бир нечаси Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Қаерда билим яхши берилса, ёшлар ўша ерга талпинади. Ҳозир Қоракўлдаги академик лицейга пойтахт — Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларидан ёшлар келиб таълим оляпти. Лицей ўқувчиларининг илм бобида кўпдан-кўп ютуқларни қўлга киритишида, албатта, тиниб-тинчимас, фидойи, масъулиятли, жонкуяр ўқитувчи-мураббийларнинг хизмати катта. Шу ўринда Гулнора Жумаева, Саъдулла Холниёзов, Темур Рўзиев, Шуҳрат Сулаймонов, Бахриддин Собиров, Дилрабо Ҳақимова каби ўқитувчиларнинг меҳнатини алоҳида тилга олиш мумкин. Улар ўқувчиларга илмий, янги-ча услублар асосида дарс беришади.



Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчилари навбатдаги халқаро олимпиададаги муваффақиятдан сўнг

Юртбошимизнинг: «Дунё иморатларининг энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг улуғи ўқитувчилардир», — деган гапларида чуқур маъно бор. Ярим асрлик педагогик фаолияти давомида юзлаб иқтидор эгаларини кашф этиб, мамлакатимиз илм-фани довуғини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшаётган Тўхтамурод Жумаев ана шундай заҳматқаш муаллимлардандир. Унинг машаққатли меҳнати мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан муносиб баҳоладир. Тўхтамурод Жумаев «Халқ таълими аълочиси», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» фахрий унвонларига сазовор бўлди. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

— Истиклол шарофати билан биз дунёга чиқиш, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини намоеън этиш имконига эга бўлдик, бундан ҳам улғуроқ неъмат борми? — дейди Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицей директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев. — Юртбошимизнинг эътибори, ғамхўрликлари эвазига мамлакатимизда бунёд этилган замонавий илм муассасаларида фарзандларимиз ўз иқтидор ва салоҳиятларини кўрсатишмоқда. Бизнинг таълим муассасамизда ҳам кўплаб ана шундай ёшлар билим олган. Улар орасидан қанча-қанча фан номзодлари, давлат мукофоти соҳиблари етишиб чиқди. Табиий, аниқ ва гуманитар фанлар бўйича ўтказилган республика, халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, кўксини медаллар шодаси билан тўлдириб қайтган юздан ортиқ ўқувчиларимиз бор. Шукрки, бугун улар турли жабҳаларда фаолият кўрсатиб, илму заковати билан барчага ўрнак бўляпти. Халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган йигирма нафардан ортиқ шогирдимиз Россия, Вьетнам, Испания, Руминия, Жанубий Корея, АҚШ, Шотландия каби мамлакатларда

ги олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириб, ҳозир юртимиз равнақи йўлида хизмат қиляпти. Шунингдек, академик лицейимизни битирган ўқувчилардан баъзилари ҳозир Италия, Япония, АҚШ ва Франциядаги олий таълим муассасаларида математикадан дарс берапти. Бундан бир неча йил аввал математика фанидан Грецияда ўтказилган жаҳон олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар томонидан ўн битта медаль қўлга киритилган эди. Ғолиблардан тўққизтаси айнан лицейимиз ўқувчилари экани ҳақидаги хабарни эшитиб, кўзимга ёш келганини ҳали-ҳамон эслайман...

Муаллим дунё ёшларини ўз билими ва иқтидори билан лол қолдирган шогирдларининг сурати илинган кенг ва ёруғ йўлак сари бошлаб борди. Уларнинг номларини такрор ўқиймиз: Жавлон Исомуродов, Ризамат Хайруллаев, Ҳусан Тангриев, Азизхон Назаров, Суръат Исмоилов, Надежда Зернова, Нафосат Жўрабекова, Беҳзод Тиллаев, Зуфар Бобоев, Алишер Эшонқулов, Бахтигул Ботирова... Бу ёшларнинг кўпчилиги турли олимпиадаларда ғолиб бўлиш билан бир қаторда, Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги С.Сирождидинов номидаги стипендия совриндорларидир.

Ўзбекистон Миллий университети билан академик лицей ўртасидаги шартномага кўра, республика ҳамда халқаро фан олимпиадаларида иштирок этувчи лицей ўқувчилари университетда тайёргарлик машғулотларини олиб боришади. Бу ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Болага ҳам таълим, ҳам тарбия берувчи инсонни муаллим, мураббий, дейдилар. Муаллим шогирдини ўз фарзандидек севса, унга меҳр кўрсатса, ишончини қозонса, у, шаксиз, устоз номига муно-

сиб бўлади. Шунда шогирд ҳам устози ишончини оқлашга ҳаракат қилади. Бугун лицейимизда устозидан ўзиб кетадиган ўқувчилар борлигини ҳеч муболағасиз айта оламан, — дейди фахр билан Тўхтамурод Жумаев.

Академик лицей ҳақида у ерда меҳнат қиляётган педагогик жамоа, таълим олаётган ўқувчилар фикри билан ҳам қизиқдик. Уларнинг баъзилари билан сиз ҳам танишинг.

## Дилрабо Ҳақимова, академик лицей ўқитувчиси:

— Яхшидан боғ қолади, деган нақл бор. Юртимизда жонкуяр устозлар жуда кўп. Ёшларимиз илм-фан, санъат, спорт соҳаларида қандай ютуқларга эришаётган бўлсалар, унинг замирида ана шу фидойи муаллимларнинг меҳнати бор. Мақсадимиз, ёшларимизга чуқур билим бериш, уларнинг келажакда Ватан равнақида катта ҳисса қўшадиган комил инсонлар бўлиб камол топишларига кўмаклашишдир.

## Нафосат Жўрабекова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, академик лицей ўқувчиси:

— Мен шундай маскандан таҳсил олаётганимдан фахрланаман. Эзгулик, илм ва тафаккур масканида бизга сабоқ бераётган устозларимга таъзим қиламан.

**Янги ўқув йили бошланди. Академик лицей педагогик жамоаси ва ўқувчилари уни яхши ниятлар билан бошлади. Мақсад — жорий ўқув йилида ҳам суръатни пасайтирмаслик. Илмни чуқур эгаллаш, уни Ватан тараққиёти сари йўналтириш, Ватани юксалтиришдир.**

**Қаранг, ҳаммаши аниқ ва равшан мақсадлар. Худди математика фанидек...**

Лайло ҲАЙИТОВА,  
«Turkiston» муҳбири



# Бугунимиз қаҳрамони суврати

Бу китоб қаҳрамонлари сизу бизнинг теграмизда, атрофимизда. Уларнинг товуши, қадамларининг юракларига ҳамоҳанг зарблари, азиз нафаслари — барчаси бизга таниш, қадрдон. Адабиётнинг бадиий публицистика жанри шу муҳим жиҳати — халқ қалбининг овозига уйғун бўлгани учун ҳам ўқувчига юқумлидир, ҳаётга, турмуш тарзимизга жуда яқин. Ростлик — халослик, дейдилар. Рост сўзли, барини борича — чин ҳаётий манзараларни тасвирлаб, ўзи мансуб халқнинг кори-ҳолидан мутаассир бўлиб кўлига қалам тутган ижодкор, албатта, яхши, ўқишли асар бита олади, ўз ўқувчиси қалбига йўл топа билади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг «Замондошим портретига чизгилар» («Адиб» нашриёти, 2012 йил) китоби ана шундай китоб бўлди. У бадиий жиҳатдан маҳоратли ёзувчининг меҳр билан қаламидан тўкилган бадиий таққосларга бой, давр нафаси, одамларимиз тафаккури ва дунё тамаддунидаги эврилишларнинг ишончли воқелигига тўлиқдир. Ўқиган кишининг ҳаётга, атроф-жавонидидаги каттаю кичик ўзгаришларга теран кўз билан син солиб қарашга туртки берадиган нозик тасвирларга, далил ва манзараларга бой.

Бир китобхон сифатида «Замондошим портретига чизгилар»да шакл-шамойили келтирилган ҳар бир бугунимиз қаҳрамонининг суҳбатини тинглагандек бўлдим. Ва шу турфа касбу амалдаги, аммо маслаги ягона бўлган юртдошларимизнинг бир жойга жамланган даврасига сизни-да таклиф этгим, мутула завқини улашгим келди.

Шубҳа йўқки, мустақиллик ҳақида, халқимиз асрий орзусининг ижобати борасида ҳар биримизнинг айтадиган сўзимиз, дилимизда ўйлаган эзгу тушунчаларимиз бор. Мустақиллик моҳияти, унинг босиб ўтган ва ўтаётган йўли хусусида теранроқ ўйлаганимизда эса, албатта, мустақиллик бунёдкорлари бўлган заҳматкашларнинг азиз чеҳралари кўз олдимизда пайдо бўлади. Лекин бу фидойи, жонкуяр инсонлар ҳақидаги лавҳаларни ўқир экансиз, уларнинг

истиклол тўғрисида бирор ўринда баландпарвоз сўз айтганини кўрмайсиз. Ҳолбуки, уларнинг юртга муҳаббатлари бошқаларникидан кам эмас, билъакс, меҳнатларидаёқ бу меҳр жо-бажодир. Улар сизда асл инсоний фазилатларини сақлаб қолган, беғубор ва камтар инсонлар сифатида таассурот қолдиради. Негаки, бадиий тасвир ва сўз қудрати сабаб, кўз ўнгимизда гавдаланган бу қиёфаларни бизга кўп йиллик таниш қадрдонлардек кўрсата олиш маҳорати адиб аҳлига, ёзувчининг қалам кучига тандир.

Китобда таниқли адибимизнинг меймор, йўл қурувчиси, шифокор, ҳайкалтарош, тоштарош, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳаларда меҳнат қилиб, чин маънода элим, юртим деб яшаётган фарзандларнинг ҳаётини камраган лавҳалари очерк тарзида адабий муҳр этилган. Уларнинг қувончу ташвишлари, муаммоларию севинчлари ҳалоллик билан тасвирланган.

Муаллиф қаҳрамонлар ҳаётини тасвирлашда қуруқ баён йўсинидан эмас, жонли халқ тилида ҳикоя қилиш, уларнинг касб фаолияти ва шахсий хислатларини қизиқарли далиллар билан очиб бериш йўлидан боради. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони, кўз шифокори Холлиддон Комилов ҳақидаги «Ҳаёт ҳикмати» очеркида қаҳрамоннинг ёшлиги ҳақида бир лавҳа бор. Бир қараганда, у асардаги оддий, бошқаларидан кўп-да фарқ қилмайдигандек кўринади. Бирок...

... Яқшанба — талабаю ишчи-ходим дам оладиган кун. Шундай бўлгач, ҳамма ўзи ёқтирган жойда кунни ўтказишга ҳақли. Биров уйда мириқиб ухлайди, бошқага театр, кино ёки концертга бориш маъқул. Ёшлик ғайрати жўшиб турган ўн етти яшар йигит яқшанбани ўртоқлари билан тўп тепиб ўтказса, бунинг нимаси ёмон?

«Холлиддон эрталаб барвақт уйғонди. Бугун яқшанба кун. Кўёш чарақлаб турибди. Курсдошлари билан келишиб кўйган, — деб бошланади очерк. — У Тошкент тиббиёт институтининг (ҳозирги Тиббиёт академияси) футбол командаси аъзоси. Бугун соат ўн иккида политехника институти (ҳозирги Техника университети) командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади. Ажойиб ўйин бўлади-да ўзи!»

Муаллиф Холлиддоннинг кайфиятини берар экан, ўқувчи кўёш чарақлаб турган ўша яқшанба кунни маъна қилиб футбол ўйнайдиган қаҳрамон йигитини эмас, унинг ўрнида ўзини тасаввур қилади. Ишларингиз «беш», дунё дегани бепоён! Кечагина бозордан янги олган оппоқ кроссовкангизни қиясиз-у, ойнага қараб, энди йўлга отланаётганингизда, отангизнинг қатъий нигоҳига кўзингиз тушади.

— Йўл бўлсин?..

Бу саволдан залворлироқ, бу нигоҳлардан ҳам ўткирроқ нима бор экан-а ҳаҳонда...

— Бугун учрашувимиз бор эди, политехника институти командаси билан...

— Учрашув, дегин? Ҳм-м... Қани, бу ёққа кел-чи...

Ота-бола ўртасида кечган суҳбатнинг давоми қаҳрамоннинг кейинги ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тиббиёт институтида ўқиётган, ниҳоятда нозик ва машаққатли касбни танлаган, шу соҳада улкан мақсадларни даъво қилаётган йигитнинг бўш вақтини ўқиш-изланишга эмас, тўп тепишга сарф этаётганини эслатиб қўйarkan, ота қатъият билан, аммо кўнглига оғир ботмайдиган қилиб фарзандига лозим гапларни айтади.

Отаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Маҳмаддон

Комиловнинг ўшанда қилган панд-насихати қаҳрамоннинг бир умр ёдида қолди. Отаси унга бир соҳани маҳкам тутиш ва шу йўлдан оғишмай, пухта билим эгаллашни маслаҳат берган, гап орасида: «Ҳар нарсанинг кетидан қувган одам оқибатда ҳеч нарсага эга бўлмай, қуруқ қолади», деган эди.

Ўша кунги воқеадан сўнг футболсевар ўғил Холлиддон бутунлай тўп тепмай кўйди, дейилса, ёлгон бўлади. Аксинча, у спорт билан шуғулланишни қанда қилмади. Аммо ўз ўрнида отанинг ҳам гапини икки қилмади: мақсадида собит бўлди, ўқиди, изланди, институтни имтиёзли диплом билан тугатди, 1972 йилда тиббиёт фанлари номзоди, ўттиз тўққиз ёшида эса тиббиёт фанлари доктори бўлди — пировардида машҳур кўз шифокори бўлиб етишди.

«Замондошим портретига чизгилар» китобидаги ҳар бир очерк қаҳрамонининг ҳаёти ибратли воқеаларга бой. Уларнинг болалик ва ёшлик йиллари, фаолият даври, умуман, ҳаётига оид лавҳалар ўз аксини топган.

Дарвоқе, қаҳрамонлар табиатига доир бир гап. Муҳаммад Али очерклари қаҳрамонлари ҳаммаси ўзига хос, бетакрор характер соҳиблари бўлгани билан уларнинг барчасига тегишли умумий жиҳатлар ҳам кўп. Уларнинг барчаси ҳалол одамлар. Профессинал фаолиятида масъулиятли, жамият ҳаётида интизомли, ўз бурчини сидқидилдан адо этувчи, виждонли, шахсий ҳаётида кўпчиликка ўрнак, шу фазилатларни бир сўз билан ифодалаш шарт кўйилса, иккиланмасдан, яхши одамлар, дея таърифлашга лойиқ ажойиб инсонлар. Бу, айниқса, китобдаги «Меъмор» (бухоролик Маҳмуд Аҳмедов ҳақида, муаллиф унинг портретини чизар экан: «Масъулиятни ҳис қилади, ҳалол меҳнатга ўрганган, тўғрисиўз, ҳақиқат юзига тик қараб гапиради», дейди), «Ўзбекистон кўчаси», «Тошни сўзлаган кўнги» (машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ҳақида) очеркларидан янада яққолроқ кўринади.



Китоб хонанишин бўлиб ўтириб, деразадан кўриниб турган хушманзара боққа термилиб, қушларнинг чуғур-чуғурини тинглаб хушвақт бўлиб, бу манзаралардан илҳом қарз олиб ёзилмаган. Ҳар бир очерк ойлаб хизмат сафарлари ҳосиласи. Зотан, бу ҳақда адиб китоб аввалидаёқ: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан замонамиз қаҳрамонларини зиёрат этгани мамлакатимизнинг турли вилоятларига йўл олдим, эртанги кунига ишончи мустаҳкам, қайноқ қалбли, теран фикрли замондошларимиз билан учрашдим, самимий суҳбатлар қурдим, фидойи инсонларнинг ҳаётларидан қиссалар тингладим», дейди. Очерклар ана шу қизгин гурунлар, қиссаларнинг юрак кўридан ўтган-у, илҳом билан қоғозга кўчган жонли гувоҳлари бўлиб, шу юртни севган ўқувчи қалбига шеърый бир кайфият билан оҳиста кириб боради.

Ибрат, ибратга рағбат, бу икки бирликдан эса ҳикмат топилади. Адабий фаолиятнинг барча соҳалари, аввало, ростлик ва ҳалоллик асосида унган, этили келгандир. Ёзувчи Муҳаммад Алининг ушбу китоби даладашларда, тиббий лабораторияларда, руда конларида маёғи ҳалоллик бўлган тирик одамлар ҳақидадир. Ҳаёт билан адабиётнинг бундай нозик туташуви китобхонни ўзига тортаверади.

Элмурод НИШОНОВ

Наврўзбек Маҳаммадиёров кенгликлар фарзанди: Қорақалпоғистоннинг Чимбойидан. У ўзи туғилган Кенгаш қишлоғида табиат оҳанглирига жўр бўлиб, кўшиқ куйлаб катта бўлган. Тумандаги 4-мактабнинг 6-синфида ўқиётганида устози Абдулла Давлетбоевнинг истеъдодини кашф этган. Шунгача кенг дала, очик осмон, унда парвоз қилиб юрган қушларгина бу бўлажак хонандага мухлислик қилган, хиргойиларини тинглаган.



## Кенг дала, очик осмон, саҳро шамоли ва соҳир овоз

Бугун тенгдошимиз Нукус маданият ва санъат коллежида академик кўшиқчилик ва опера йўналиши бўйича таҳсил олаётди.

— Опера куйлаш одамдан жуда катта масъулият талаба этади, — дейди Наврўзбек. — Масалан, чет тилидаги операни ёдлашга камида бир ой вақт кетади. Куйлаганда сўз тугул, ургуда янглишасак ҳам ижро жуда хунук чиқиши мумкин. Шу боис ҳаммиша диққатли бўлишга, ўз ишимни пухта, кўнгли тўладиган қилиб бажаришга ҳаракат қиламан. Тингловчи бизга ишонгани учун концертга келади. Мен мухлисларни ҳурмат қиламан.

— Наврўзжон кичкиналигида муштини ҳадеб оғзига тикаверарди. Роса койирдим. Болам индамасди. Энди тушундим. Бу ҳаваскор операчининг усули экан. Айтишларича, овоз баланд чиқиши учун оғиз очилганда мушт сивиши керак экан, — дейди отаси Иниямин Медетов жилмайганча.

Бу йил тенгдошимиз ҳаётида икки муҳим воқеа рўй берди. Биринчиси, у маданият ва санъат коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган анъанавий танловда иккинчи ўринни олди. Иккинчиси ва айтиш мумкинки, энг қувончлиси, у Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилиб, юртимиз-

даги энг истеъдодли ёш хонанда ва созандаларга тақдим этиб келинаётган «Ниҳол» мукофотида сазовор бўлди.

— Мен мана шу гўзал Ўзбекистонимиз табиатидан, бағрикенг халқимиздан, биз, ёшларга ҳаммиша юксак ишонч билан қарайдиган Юртбошимиз сўзларидан илҳом оламан, — дейди Наврўзбек. — Келажакда нафақат менга берилган нуфузли мукофотни оқлаш, балки санъат мухлисларига завқ бағишлаш, уларнинг талабини бажо келтириш учун ҳам яхши ижод қилмоқчиман. Ўзбекистон опера санъати довуғини Муяссар Раззоқова, Исмоил Жалилов ва бошқа кўлаб таниқли санъаткорлар каби жаҳонга янада машҳур қилиш ниятим бор.

— Наврўзбек камтар йигит, — дейди устози Абат Қаллиев. — Лекин санъатга муҳаббат масаласида у жуда жўшқин. Истагим, ана шу камтарлик ва жўшқинлик ҳаммиша йўлдоши бўлсин.

Зал. Чироқлар. Одамлар. Ҳаммининг нигоҳи бир жойга — костюм-шимли, хушбичим йигитга қадалган. У эса овозини бўрондек баланд кўтаради. Моцартнинг «Дон Жуан» операсидаги Дон Жуан ариясини ижро этади. Ташқарида «тинглаётган» саҳро шамоли эса бу овозни узоқ-узоқларга элтади. Саҳро бу овоз таъсирида гоҳ силкинади, гоҳ сокин тортади. Овоз эса тобора авжланаверади...

Қумар БЕГНИЯЗОВА

«Nihol» mukofoti sovrindorlari





Qizlar sporti

# Майдонда футбол маликалари

Кейинги вақтларда мамлакатимизда қизларнинг спорт билан шуғулланишига яратиб берилётган имкониятлар туфайли спортчи қизлар сони ошиб бормоқда.

Рақамлар мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони кейинги ўн йил ичида 1,6 баробар ўсганини кўрсатади. Хусусан, бугун Ёзги олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган (2012 йил Лондонда ўтказилган Ёзги олимпиада ўйинлари доирасида футбол бўйича қизлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақа эсингиздир?) футбол билан машғул қизлар ҳам жуда кўп. Буни эътиборга олган

ҳолда, футбол бўйича қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ҳам ташкил этилган. Қизғин давом этаётган ушбу чемпионатда яқинда навбатдаги — олтинчи тур ўйинлари ўтказилди. Қизиқарли учрашувлардан бири Бекободда бўлиб ўтди. Унда майдон эгалари — «Металлург» қизлар жамоаси Тошкентнинг «Бунёдкор» қизлар жамоасини қабул қилди. Унда бекободлик қизлар ўйиннинг 15-дақиқасида

хужумчи Умида Худойбоқованинг урган голи эвазига 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ушбу ғалабадан сўнг «Металлург» очколари сони 13 тага етказиб олди.

Чемпионатда олти очко билан жадвалнинг ўрта поғоналаридан бирини эгаллаб турган «Бухоро» қизлар жамоаси пешқадамлардан бири, Қаршининг «Севинч» жамоасини қабул қилди. Қизиқарли ўтган учрашувда бухоролик қизлар ҳарчанд уринишмасин, тажриба ўз сўзини айтди: қашқадарёлик қизлар майдон эгалари дарвозасини беш марта ишғол қилишди. Ҳисоб 0:5. Қолган учрашувларда

шундай натижалар қайд этилди:

«Қизилқумочка» — «Андижанка» 0:6;  
«Тўмарис» — «Машъал» 2:3;  
«Бухоро» — «Севинч» 0:5;  
«Шўртан-Леди» — «Локомотив» 1:1.

6-турдан сўнг «Андижанка» жамоаси 16 очко билан турнир жадвалида етакчи бўлиб турган бўлса, ундан атиги бир очко кам жамғарган «Севинч» иккинчи поғонани банд этиб турибди. «Металлург», айтиб ўтганимиздек, 13 очкога эга ва учинчи ўринда бораёпти.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



## 8 яшар болани чақиришди...

Украина пойтахти Киевда саккиз ёшли болани мажбурий ҳарбий хизматга чақиришди.

Аниқроғи, иккинчи маротаба келган чақирув хатида Иван Острушко бу буйруқни ҳам безътибор қолдирса, 85 гривна жаримага тортилиши айтилган эди. Украина мудофаа вазирлиги бўлинмасига борган болакайни кўрган ҳарбий бўлинма ходимлари кулгидан ўзларини тўхтатолмай, узр сўрашди. Чунки ҳарбий бўлинмага рўйхатга олаётган ходимлар 2005 йилда туғилган болани 1995 йилда туғилган, деб ёзиб юборишганди. Чақирув хатини Иваннинг ота-онаси эсдалик учун олиб қўйди. Иккинчи синфда ўқийдиган болакай ҳарбий хизмат ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди. Шу сабаб қизиқувчан болакай учун Украина мудофаа вазирлиги бўлинма ичида экскурсия уюштириб беришни ваъда қилди.

## Янада яхши

Швейцарияда энди канцелярия дўконларидан мактубга марка қидиришга ҳолат йўқ.

Сабаби, энди почта хизмати учун тўлов телефон орқали амалга оширилади. Хизмат нархи марка баҳоси билан тенг — 1,2 Швейцария франки.

Швейцария алоқа хизмати маълумотига кўра, марка сотиб олиб, уни конвертга ёпиштириш ўрнига «марка» сўзини sms ёрдамида қисқа рақамга жўнатиш кифоя. Жавобда фойдаланувчига код берилади ва у конвертнинг махсус жойига ёзиб қўйилса, бас. Почтада хатларнинг коди машина ёрдамида автоматик тарзда ўқилади ва хизмат ҳақи тўлангани маълум бўлади. Хабар жўнатилгандан сўнг хизмат ўн кун ичида амалда бўлади.

## «Ширин» технология

Уяли телефонларнинг операцион тизимларини ишлаб чиқарувчи «Google»нинг «Android» компанияси тизимнинг янги — 4.4 версияси «KitKat» (шоколад) номи билан аталишини эълон қилди.

Ҳозирда «Android» тизимидан фойдаланаётган смартфон ва планшетлар сони 1 миллиарддан ошиб кетган. Шу вақтга қадар «Android» ўз тизимларини ширинликларнинг бир неча турлари билан атаб келди: «Cupcake» (кекс), «Donut» (кулча), «Eclair» (эклер), «Froyo» (йогурт), «Gingerbread» (занжабилли нон), «Honeycomb» (асалли печенье), «Ice Cream Sandwich» (сэндвич-музқаймоқ) ва «Jelly Bean» (ирис). «Google» ва «Nestle» ўртасида тижорий битим тузилди. «Android» биринчи марта операцион тизим учун бренд номини танлади. «Nestle» ҳам қадоғига «Android» рамзи туширилган ширинликларни чиқаришини маълум қилди. Ҳозирда «Android» платформасининг жаҳон смартфонлар бозоридаги улуши 79 фоизни ташкил этади.

**Интернет манбалари асосида Жавоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади**

# Юракка ёзилган битиксан, Ватан!

Ilhom

### ВАТАН

Волидам меҳридек юракка томган,  
Кўёшдек тафтингдан чехралар ёнган,  
Фарзанд камолидан мудом қувонган,  
Отамдек мағрурсан, улугсан, Ватан,  
Юракка ёзилган битиксан, Ватан!

Қошида эгилсам, бошим силаган,  
Кўмак сўраганда бардош тилаган,  
Эзгулик йўлига мудом йўллаган,  
Онамдек азизсан, бир тугсан, Ватан,  
Юракка ёзилган битиксан, Ватан!

Ухласам, тунларим бўлади сокин,  
Манглайга суртгайман ҳар ҳовуч хокинг,  
Мен сенга суяндим, тирикман токи,  
Синглимдек покиза, қутлугсан, Ватан,  
Юракка ёзилган битиксан, Ватан!

Юрган йўлларимда чечаклар унгай,  
Истиқлол нури-ла иқболим кулгай,  
Сен борсан, юрагим ғурурга тўлгай,  
Боламдек ҳаётга интиқсан, Ватан,  
Юракка ёзилган битиксан, Ватан!

### ТУЙҒУ

Кўлларим сочингни сийпалаб,  
Қалбингга муҳаббат жойлайди.  
Нигоҳим ардоқлаб, эркалаб,  
Юракда йўлбарслар йиғлайди.

Кўлимда энг гўзал сувратинг,  
Термулиб кўзларим толмайди.  
Ёдимни тарк этмас сийратинг,  
Вужудим нафас ҳам олмайди.

Толиққан кўзимни бекитсам,  
Тунлари милдираб ёшлар оқади.  
Йиғлаган осмонга тикилсам,  
Юлдузлар ҳайрона боқади.

### ИЗҶОР

Кўнгилар кўнгилини излайди,  
Нигоҳим йўлингга интизор.  
Юрагим сени деб бўзлайди,  
Муҳаббат уйғотар ҳар наҳор.

Диллар талпинади тинмайин,  
Туйғулар сени деб яшайди.  
Мен сенга интилдим кун сайин,  
Бу юрак севганга ўхшайди.

Кўзингга термулиб ўлтирсам,  
Дийдоринг энг олий орзудир.  
Ой юзинг узоқдан бир кўрсам,  
Умидлар шунга ҳам розидир.

Менга айт, не бўлди, билмайман,  
Тунлар ҳам қошимда бош эгди.  
Бир бора қиё боқ ушбу дам,  
Юрагим сен томон ошиқди.

### СЕНСИЗ ДУНЁ

Мен сени севиб яшайман,  
Ҳижронни енгиб яшайман,  
Менсиз гар дунёни бор десанг,  
Бошимни эгиб яшайман.

Сен учун тоғдаги қояман,  
Лек сенсиз бор-йўғи сояман,  
Менсиз гар дунёни бор десанг,  
Юрган йўлларимда тояман.

Туллардан висолни ясайман,  
Тикандан гулдаста безайман,  
Менсиз гар дунёни бор десанг,  
Ўзинг айт, қандайин яшайман?

### ТЎРТЛИКЛАР

Юрак шодон қаҳ-қаҳ отади,  
Ҳижрон сўзи унга бегона.

Қани энди у ҳам билсайди,  
Билса энди севган яғонам.

\*\*\*

Сенсиз осмонимда юлдузлар йўқдир,  
Замин йўқ пойимда мени кўтарган,  
Ҳаловат тарк этган кўнгилда соғинч,  
Ҳатто муҳаббат ҳам мени тарк этган.

\*\*\*

Тушларимда сунбул сочли  
Бир парини кўрибман-эй.  
Кўлларидан тўтиб хуррам,  
Боғчаларда юрибман-эй.

**Рамазон АШУР**

### ЮРТНИ СУЙГАНИМ

Мен дунё илмини ўрганганим йўқ,  
Билганим яхшилик, сеvgи — билганим.  
Кўнглимда яшайди улуг бир туйғу,  
Отамни суйганим — юртни суйганим.

Олашумул ишлар қилмадим ҳали,  
Орзум кўп, дунёга бежиз келмадим.  
Авалло, онамни рози қилайин,  
Онамни суйганим — юртни суйганим.

Ҳар зарраси азиз она тўпроғим,  
Каврагим, илдизи чуқур янтоғим.  
Аждодларим хоки ётган маконим —  
Қишлоқни суйганим — юртни суйганим.

Балки сўзларимда сеҳр кўрмассиз,  
Балки қофиясиз айтган сўзларим.  
Мен учун юракдан чиққан  
ҳар сўз — шеър,  
Мен шеърни суйганим —  
юртни суйганим!

**Хумоюн СУВОНОВ,**  
**Самарқанд вилояти**





Келаси йилда набирам мактабга бориши керак. Бироқ унинг қулоғи яхши эшитмайди. Имконияти чекланган болалар уйда интернет орқали таълим олиши мумкинми?

**Раҳима ая Норбоева,  
Самарқанд шаҳри**

**Саволга Халқ таълими вазирлиги болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш бўлими мудири Хури Калбаева жавоб беради:**

— Мамлакатимизда масофавий таълимни ташкил этиш учун зарур база мавжуд. Жумладан, вазирлик тизимидаги махсус мактабларда ушбу турдаги таълим хизматлари

йўлга қўйилган. Имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган махсус ва умумтаълим дастурларида ахборот технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. Жумладан, республика-миздаги ўн бир мингдан зиёд имконияти чекланган болалар дарсликлар, ўқув қўлланмалари, доска ва компьютерлар билан таъминланган. Масофавий таълимда ўқувчиларнинг компьютер билан ишлаши, берилган вазифаларни бажаришини ўқитувчи назорат

**1 savolga 1 javob**

қилиб, бошқариб боради. Махсус ўқув режасига асосан, болалар компьютер билан ҳафтасига саккиз соатгача шуғулланиб, ахборот технологияларидан билимларини муттасил ошириб бориши мумкин.

Республика-мизда 18 та махсус мактаб-интернат ташкил этилган. Жисмоний нуқсон бор, ҳаракат-таянч аъзолари чекланган болалар уйда масофавий таълим олиши тавсия этилади. Қандай таълим шаклини танлаш боланинг аҳволига қараб белгиланади.

**Дилбар  
ХУДОЙБЕРДИЕВА  
тайёрлади.**

## Кучлилар майдонда синалади



Бугун пойтахтимизда аёллар ўртасида теннис бўйича «Tashkent open» мусобақаси бошланади.

Унда юртимиз шарафини Ирода Тўлаганова, Окгул Омонмуродова, Нигина Абдурайимова ҳамда Сабина Шарипова сингари иқтидорли теннисчиларимиз ҳимоя қилади. Мусобақада, шунингдек, таниқли теннис усталари — Анастасия Мискина, Елена

Дементьева, Динара Сафина, Мария Кириленко, Елена Веснина (Россия), Франческа Скьявоне (Италия), Виктория Азаренко (Беларусь), Доминика Цибулкова (Словакия), Полин Парментье ва Марион Бартоли (Франция), Сорана Кирстя (Руминия), Урсула Радванска (Польша) қатнашади. Эслатиб ўтамиз, бу йил WTA (аёллар теннис ассоциацияси) ташкил этилганига қирқ йил тўлди.

## Жаҳон чемпионатида тайёргарлик

Ўқув-машғулот йиғинларини Австрияда ўтказаяётган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлардан иборат футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси австриялик тенгдошларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Ўйин 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Терма жамоамиз голини ярим ҳимоячи Равшанбек Хурсанов киритган.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» муҳбири**



**Fotofakt**

## Фарғонадаги ноёб дарахт

Сиз суратда кўриб турган ушбу дарахт дунёда санокли, Марказий Осиёда эса ягона. У ботқоқ кипарисидир. 150 ёшли бу ноёб дарахт Фарғона шаҳридаги Кичик ҳалқа йўли бўйида, Марғилонсой ёнбағрида ўсган.

Мутахассислар, бу дарахтни узок яшайди, бўйи 50 метргача бўлади, дейишади. У ариқ, булоқ, намлик юқори жойларда сув балансини сақлаш хусусиятига эга.

Фарғона давлат университети доценти, умумий экология ва ботаника кафедраси ўқитувчиси Валижон

Махмудов берган маълумотга қўра, бу дарахт дунё бўйича очиқ уруғли ўсимликлар орасида энг ноёбларидан саналади. Шу билан бирга, ҳаводаги чанг-ғуборларни тозалаш, ксилород ишлаб чиқариш даражаси ҳам жуда юқори.

Юртимиз табиати кўркига кўрк қўшиб турган ушбу дарахт Фарғона вилояти ҳокимининг 2007 йил 11 июндаги 71-сонли қарорига мувофиқ давлат табиат ёдгорлиги сифатида рўйхатга олинган ва муҳофаза қилинади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» муҳбири**

## SUDOKU

	6	1	3			8		
2					7			3
		3		5				9
	4							
	2			7			8	
							2	
1				3		5		
9			8					7
		2			1	4	6	

	Лўмпур (шаҳар)					Рангли қиммат-баҳо тош						
	Етти ранг жилоси	Мурод Ражабов фильми	Рол ижрочиси		Дори-дармонлар кутичаси	Ҳиндистондаги шаҳар	Баҳодир, полвон	Бўнак	Булут (форсча)			Ҳинд шахмат устаси
	Маълум, равшан					Довдир, лақма	Жабр, зулм					
			Мевали дарахт		Телефон тармоғи идораси (қиска)				... астар	Хельсинкилик миллати		
	100 йилга тенг давр					Товар қиймати	Аёл					
			Ҳашарот тури				Лаҳза, зум			Куш уяси		
	Фойдасиз, беҳуда					Шод						

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов